

Санъаткорлик сафоси ва табиблик шифоси билан

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус мазмуни ва уни амалиётга жорий этиш афзалликлари ҳақида тушунчаларни ривожлантириш, шунингдек, Биринчи ташаббус ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишлиарини ошириш мақсадида жойларда талаба-ёшлар ўртасида қатор тадбирлар ўтказилмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири институтимизнинг яқинда топширилган янги ўкув биносида бўлиб ўтди. Таниқли қизиқчи, табиб, актёр ва қўшиқчи Шерқўзи Фозиевнинг номини эшитган кекса ҳамда ўрта авлод вакилларининг лабида табассум жилва қилса ажаб эмас. У ўз вақтида ичакузди ҳангомалари, юморга бой қўшиқлари билан юртдошларимиз юрагидан жой олган. Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Х. Эшова ҳамда “Гуманитар фанлар” кафедраси ўқитувчиси Б. Муқимов ташабbusi билан жорий йилнинг 6 сентябрь куни “Ер ресурсларини бошқариш” факультетида талабалик баҳтига эришган 1 курс талабалари ушбу ижодкор билан яқиндан учрашиш баҳтига мұяссар бўлишиди. Тадбирни институтнинг матбуот хизмати раҳбари Р.Жуманиёзов кириш сўзи билан очиб берди.



Таниқли ижодкор Ш. Фозиев ўз нутқида талabalарга серқирра инсон бўлганлиги, санъат соҳасига қандай кириб келганлиги, миниатюра санъати ва кейинги йилларда эл севган санъаткор табобатга қизиқиб қолганлиги тўғрисида талabalарга маълумот бериб ўтди. Суҳбат давомида талabalарни келгусида яхши мутахассис бўлиб, Республикашимизга хизмат қилиши учун яхши ўқиб, пухта билим олишлари ҳақида гапириб ўтди.

Шунингдек, улар яхши билим олишлари билан бирга ҳар томонлама етук бўлиши, яъни маданиятли ва маърифатли кишилар бўлиш учун тинмасдан меҳнат қилиш зарурлиги ҳақида гапиришиди. Тадбир сўнгидаги ижодкорга қимматли вақтларини аямасдан келганлиги учун институтимиз ректоримиз томонидан имзоланган ташаккурнома топширилди.



ЕРБ факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан муовини Ҳуррият Эшова ва “Гуманитар фанлар” фанлар кафедраси ўқитувчиси Баҳриддин Муқимовлар ахбороти
Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов